

ТАРЖИМА СТРАТЕГИЯЛАРИ

Гулсара Содиковна Курбонова
Ўзбекистон Миллий университети
Француз филологияси кафедраси доценти

Аннотация: Мазкур мақолада таржимоннинг стратегияси муаллиф позицияси ва ўқувчи имкониятидан келиб чиқиши тўғрисидаги таржимашунослар нуқтаи назари тағлил этилади. Хусусан, бадий-фалсафий матнлар таржимаси билан шуғулланишда таржимон стратегиясидаги асосий омилларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Шу нуқтаи назардан асл ну сҳанинг семантик тўлиқлигини қайта тиклаш ва аслиятнинг расмий ҳамда стилистик хусусиятларини қайта яратишга қаратилган таржималарда иккита асосий таржима стратегияси маъно ва шаклни ўзаро боғлашга уриниш таржиманинг муҳим масалларидан бири саналади. Мақолада таржима таржимон тафаккурида кечадиган мураккаб тизим бўлиб, уни таржима стратегиясини шакллантиришга таъсир қилувчи барча омилларни таржима учун психологик тайёрлик, алоқа қилувчи тилларнинг табиати, ижтимоий вазият, коммуникатив вазифалар кабилар тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: таржима стратегияси, аслият ва таржима, фалсафий матн, таржима қийинчиликлари, муаллиф позицияси, маъно ва шакл.

Кириш. Фалсафий асарлар таржимаси бадий асарлар ўгирмасидан анча фарқ қилади. Фалсафий матн таржимасида таржима нисбийлик касб этади. Чунки фалсафий таржима адабий таржимадан фарқли ўлароқ таржима маданиятдан маданиятга эмас, балки фалсафий қараш, ғоя, фикр, яъни борлиқдан борлиққа ўтиш ҳисобланади, сабаби тафаккур ва борлиқнинг ўхшашлиги фалсафа учун бошқа ортиқча изох талаб қилмайди. Фалсафа учун тил эмас, фикрлаш муҳим, агарда таржимада фикрлаш амалга оширилса, турли халқларнинг тафаккури ва ижтимоий ҳаётида айнан ўхшашлик содир бўлади. Демак, бадий асар тил билан, адабиёт тушунтириш билан, фалсафа тафаккур билан чегараланган. Албатта, бу дегани адабиётда фикрлаш, фалсафий ғоя йўқ дегани эмас. Буларнинг барчаси тилнинг ичида содир бўлади, чунки улар аниқ тил қурилишида пайдо бўлади. Мазкур тадқиқотимизда фалсафий-бадий асарларни таржима қилиш маданияти тўғрисида фикр юритар эканмиз, дастлаб бадий асар, хусусан, фалсафий-бадий матнлар таржимасини амалга оширишда таржима стратегиясининг мазмун-моҳияти нимадан иборатлигига эътибор қаратамиз.

Таҳлил ва натижалар. Француз таржимашуноси Э.Кари таржима қийинчиликларини узоқ вақт давомида ўзгаришларга учраганлиги билан боғлайди. Унинг фикрича, айнан мана шу вақт оралиғи кўплаб таржимонларнинг ўтмиш таржима назариячиларининг баъзан фикрларига қўшилган, баъзида уларнинг қарашларига қарши чиққан ҳолда мулоҳаза юритишлари таржима усуллари қийинлаштирган.

Бугунги кунда “таржима стратегияси” атамаси матн таржимаси таҳлили босқичида ҳам амалиётчи, ҳам назариятчи таржимашунослар томонидан таржима жараёнини тасвирлашда кенг қўлланилади. Мазкур атама таржима босқичларида аниқ бир матн таржимонининг ҳаракатлари билан тавсифланади. В.Н.Комиссаров таржима жараёни стратегиясини икки босқичга бўлади: 1) асл нусхадан маълумот олиш, яъни воқеликни матн орқали интерпретация қилиш; таржима инвариантини топиш ва уни таржима тилида қўллаш; 2) таҳрир босқичи, яъни унинг функционал услубини ҳисобга олган ҳолда янги нутқий асарни яратиш ҳамда матнни ўрганилаётган тил меъёрларига мувофиқ таҳрирлаш.

Бизнингча, маънони аниқлаштириш босқичида таржимон асл нусханинг таржима қилинган қисмида ҳам лингвистик, ҳам ситуацияли контекстда мавжуд бўлган маълумотларни олиши ва ушбу маълумотларга асосланиб, кейинги босқичда мазмуни бўйича керакли хулосаларни чиқариши лозим. Таржима матнининг мазмуни мураккаб ахборот мажмуаси бўлиб, уни тушуниш идрок этувчи шахс рецептордан катта ақлий меҳнат талаб қилади. Бу ишни таржима актининг биринчи босқичида асл матннинг рецептори сифатида таржимон бажариши керак. Таржима стратегияси масалалари билан А.Нойберт, В.В.Сдобников, В.Н.Комиссаров, Миньяр-Белоручев, А.Д.Швейцер, Н.К Грабовский, Т.А.Казаковалар шуғулланганлар.

Таржима стратегияси аниқ ижтимоий-маданий контекстни, коммуникатив вазиятларни, чет тилидаги матннинг турини, унинг мақсадини, матн адресати ва рецепторининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади. Таржимашунослик тадқиқотлари ва таржима амалиёти натижаларининг кўрсатишича, битта матн таржимасига бир неча таржимон турлича ёндашиши мумкин. Н.Автомова мазкур ҳолатда “таржимоннинг стратегияси муаллиф позицияси ва ўқувчи имкониятидан келиб чиқади”, дея таъкидлайди. Бизнингча, таржимон стратегиясида асл нусхани тушуниши аслият матнини таржимасиз идрок этадиган рецептор тушунишидан фарқ қилишини эътиборга олган ҳолда унинг таржима адекватлигига эришишида деформацияга учраган матннинг таржима тили структурасига мувофиқ шартланганлиги билан ҳам боғлиқ. Чунки таржима вариантини излашда таржимон асл нусхадаги манба тил бирликларига қайта-қайта

мурожаат қилади, уларнинг маъноларини луғатдан қидиради ва шу билан бирга икки тилли луғатда таклиф қилинган вариантлардан бирини таржимада қўллаш оладими ёки йўқлигини аниқлашга ҳаракат қилади. Ваҳоланки, луғат билан ишлаш техникаси таржимоннинг таржима жараёнидаги ҳаракатларининг муҳим қисми ҳисобланади.

В.В.Сдобников таржима стратегияси компонентларини 4 қисмга бўлади: 1) вазиятга йўналтирилган; 2) аниқ ифода этилган мақсад; 3) прогнозлаш; 4) режалаштириш. А.Д.Швейцернинг фикрича, таржима икки босқич – “таржима ҳаракатлари (стратегияси) программасини яратиш ва ушбу программани таржима амалиётига қўллаш”дан иборат. А.Нойберт “таржима матнида доим коммуникатив мақсад сақланиши шарт”, дея таъкидлайди.

Фикримизча, таржимашуносликда таржима тамойиллари ва стратегияларининг ўзаро мувофиқ келиши масалалари катта роль ўйнайди. Х. Крингс: “таржимоннинг потенциал онгли режалари аниқ таржима муаммоларини аниқ таржима вазифалари орқали ҳал қилишга қаратилади”, деб ёзади. Мазкур ҳолатда тўлиқ таржима муаммоларини ечишга қаратилган макростратегияни бир муаммони ечишга қаратилган микростратегиядан ажратиш лозим.

Н.К.Гарбовскийнинг фикрича, “таржима стратегияси–таржимон хатти-ҳаракатларининг аниқ асосий йўналиши, нима қурбон қилиш кераклиги тўғрисида савол туғилганда манба матни иккинчисининг “деформацияси” шаклида ўзгартириш стратегияси, И.С.Алексеев “матннинг бадиий туридаги когнитив ва ҳиссий маълумотлар эстетик таъсир функциясига бўйсунди”, дея таърифлайди. Дарҳақиқат, фанда когнитив тенденциянинг кенг тарқалиши билан таржима назариётчиларининг эътибори таржимон фаолиятининг когнитив асосларига (идрок этиш, таҳлил қилиш, фикр юритиш, ташҳис қилиш каби) ва уларнинг таржимада вербал репрезентациясига қаратилади. Бу ёндашувларни қўллаш натижасида таржимада таржимоннинг стратегик нияти қандай амалга оширилганлиги ёки бошқача қилиб айтганда, таржимада макростратегия ва микростратегиялар қандай боғлиқлиги масаласига ойдинлик киритиш, фикримизча, таҳлил қилинаётган ҳодисанинг мураккаблиги билан боғлиқ.

Умуман олганда, XX аср бадиий таржимага алоҳида ёндашув билан ажралиб туради. Бу, бир томондан, бадиий асарни эркин таржима қилишни рад этиш, иккинчи томондан, асл матни кўр-кўрона нусхалашдан (сўзма-сўз таржима) ифодаланади. Шу боис замонавий таржимашуносликда иккита асосий таржима стратегияси мавжуд, улар асл нусханинг семантик тўлиқлигини қайта тиклашга ва аслиятнинг расмий ҳамда стилистик хусусиятларини қайта тиклашга қаратилган таржималардир.

Бизнингча, асл нусханинг мазмуни ва лингвистик ўзига хослигини сақлаб қолишга интилиш бошқа маданият маконида унинг аниқ нусхасини яратишнинг иложи йўқлигини англаш билан уйғунлашади. Бу борада П.Ньюмарк, “таржимоннинг асосий вазифаси айтилаётган гапни такрорлаш билан чекланиб қолмасдан, айтилиши керак бўлган сўзнинг маъносини етказиш иложи бўлса, манба тилидаги сўзларнинг мос эквивалентларини топишдир” , дея фикр билдиради. Таржимада мазкур икки стратегия маъно ва шаклни ўзаро боғлашга уриниш таржиманинг муҳим масалларидан бири эканлигини кўрсатади. Таржима таржимон тафаккурида кечадиган мураккаб тизим бўлиб, уни таржима стратегиясини шакллантиришга таъсир қилувчи барча омилларни (кўпинча, турли хил) ўрганишга жалб қилмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. (Бунда таржима учун психологик тайёрлик, алоқа қилувчи тилларнинг табиати, ижтимоий вазият, коммуникатив вазифа ва бошқалар назарда тутилади.)

Зеро, Ғ.Саломов таъкидлаганидек, “таржима қилиш учун сўзларнинг асосий луғавий мазмунию, тилнинг грамматик қоидаларини билишнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун тилни ҳис этиш лозим. Тилнинг ана шундай “ҳиссий” томонларидан бири муайян асарда автор тилнинг қайси қатламларидан, қандай, қай йўсинда фойдаланганида ўз ифодасини топади” . Бинобарин, “таржима – аслиятни қайта яратиш, қайта талқин этиш санъатидир” . Бизнингча, ҳам дастлабки матнни чуқур тушуниш зарурати таржиманинг асосий тамойилларидандир. Унга кўра, аслият матни парчасида “мавҳумлик”нинг пайдо бўлиши таржимонни тушунишдаги қийинчиликларни кўрсатиш учун матннинг семантик яхлитлигини бузишга халақит бермаса, кўшимча изоҳли матнларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Хусусан, таржимага бундай ёндашиш фалсафий матнларнинг бадий-эстетик жиҳатларини, унда ифодаланган маданий маркерларни китобхонга тушунарли қилиб етказиб беришда муҳим роль ўйнади.

Хулоса. Шунинг учун ҳам фалсафий-бадий матнлар таржимасининг якуний босқичида барча таржима турларида бўлганлиги сингари таржима матни семантик ноаниқликлар ва стилистик камчиликларни бартараф этиш учун таҳрирлаш ўтказилади. Мазкур ҳолатда таржимоннинг аслият барча расмий хусусиятларини сақлаб қолишга интилиши манба тилнинг интерференцияси (аралашуви) натижасида таржимоннинг шакл сақлашга оид стратегияси юзага келтиради. Бунда бадий таржимада асосий бирликни сақлаш масаласига И.Кашкин “образ”, Вл.Россельс “парча”, А.Федоров “гап”ни сақлаш лозим, дея фикр билдирадilar . Мазкур ёндашувлар бадий асарлар таржимасида таржима назариясида мавжуд ёзувчи ва таржимон услуги уйғунлигини таъминлашни назарда тутган ҳолда таржима сифатини

баҳолаш мезонларининг бирламчи категориялари эквивалентлик ва адекватлик мезонларини тўғри қўллаш, матнни семантик ва когнитив даражада тушунишда хатолар турини таснифлаш орқали таржиманинг қўшиш, тушириб қолдириш, нейтрализация, генерализация, дисфемизация (қўполлаштириш) каби таржима стратегияларини қўллашни шарт қилиб қўяди.

Демак, таржимоннинг тафаккурга йўналтирилган ҳаракатлари ўрганилаётган матн устида ўтказиладиган таҳлилий операциялар натижаси бўлган мантикий когнитив тушунишнинг давоми бўлиб, таржимада асл нусхани ифодалаш воситаларини экстралингвистик омиллар, макро ва микро структурали матнлар, манба асарнинг умумий ғояси, ёзувчи услуби ва бадиий образни прогнозлаш асосида таржимада қайта ифодаланишини белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Rustamov, B. (2025). TIJORAT BANKLARIDA KREDIT SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISH. Решение социальных проблем в управлении и экономике, 4(2), 50-55.
2. Nurali o'g'li, B. J. (2025). TIJORAT BANKLARI KREDIT PORTFELI SIFATINI OSHIRISH YO'LLARI. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 62(5), 3-11.
3. Melibaeva, N. (2025). TIJORAT BANKLARIDA IPOTEKA KREDITLASH AMALIYOTINI TAKOMILLASHTIRISH. Журнал академических исследований нового Узбекистана, 2(2), 96-101.
4. Olimjon o'g'li, O. S., & Xotamov, K. (2024). TIJORAT BANKLARIDA NAQD PULSIZ HISOB-KITOBLAR HISOB VA AUDITINI TAKOMILLASHTIRISH. Новости образования: исследование в XXI веке, 3(25), 92-96.
5. Zubaydullayeva, Z., & Kaxarova, D. (2024). O 'zbekiston Respublikasi iqtisodiyotining rivojlanishida tijorat banklarining o 'rni. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(5).
6. Xudayarova, X. (2024). Tijorat banklarida raqamli transformatsiya jarayoni, undagi muammolar va ularni yechish yo 'llari. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT, 1(4).
7. Isroiljonov, S., & Tadjibaeva, D. R. (2021). Study of the energy potential of the heart of college students through the energy potential of the heart. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, 11(1), 1083-1088.

8. Таджибаева, Д. Р. (2023). СРАВНЕНИЕ УРОВНЯ ФИЗИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ ОРГАНИЗМА МЕСТНЫХ СТУДЕНТОВ ГРАЖДАН УЗБЕКИСТАНА И ИНОСТРАННЫХ СТУДЕНТОВ ГРАЖДАН КЫРГЫЗСТАНА. Universum: химия и биология, (12-1 (114)), 62-66.
9. Таджибаева, Д. (2024). Методы исследования генетики человека. Общество и инновации, 5(8/S), 118-122.
10. Tadjibayeva, D. (2024). INSON TANASINING JISMONIY HOLAT DARAJASI. TAMADDUN NURI JURNALI, 8(59), 305-307.
11. Уринова, Н. М., & Хусеинова, С. Б. (2021). Теоретико-практическая подготовка будущих учителей гуманитарного профиля к социально ориентированной воспитательной работе. Бюллетень науки и практики, 7(5), 434-440.
12. Botirovna, X. S. (2023). “TARBIYA” FANI ORQALI TAYANCH MA’NAVIY KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISHDA O’QITUVCHI-O’QUVCHILAR HAMKORLIK FAOLIYATI. Science and innovation, 2(Special Issue 12), 567-569.
13. Khamidovna, P. O. (2021). Students develop communication culture pedagogical-psychological factors. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.5 Pedagogical sciences).
14. Khamidovna, P. O. (2023). Communication Culture of Individuals. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 4(4), 25-28.
15. Khamidovna, P. O. (2021). Methods of teaching young people to communication in pedagogical activity. Journal of Academic Research ISSN, 2181(2020), 26.
16. Khamidovna, P. O., Saidovna, R. D., & Bakhtiyarovna, Y. B. (2021). THE ROLE OF COMMUNICATION AND INDEPENDENT THINKING IN THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' CREATIVE ABILITY. Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities, 1(1.5 Pedagogical sciences).
17. Gulomov, K. K. (2023). PEDIATRIC STROKE DIAGNOSIS: CURRENT CHALLENGES AND FUTURE PERSPECTIVES. Экономика и социум, (12 (115)-1), 256-260.
18. Ogli, N. A. K., & Qahhorali, G. (2024). IMPROVEMENT OF SURGICAL TACTICS AND TREATMENT OF COMBINED INJURIES IN CHILDREN. Eurasian Journal of Medical and Natural Sciences, 4(5-2), 17-21.
19. Abdumuminov, B. R., Eminov, R. I., & Gulomov, K. K. (2023). UNDERSTANDING FETAL CIRCULATION AND THE TRANSITION TO POSTNATAL CIRCULATION: SHUNTS, PLACENTA, AND CONGENITAL HEART DEFECTS. Экономика и социум, (6-1 (109)), 14-21.

20. Gulomov, K. K., Juraev, S. B., Khamdamov, R. A., Kholikov, B. M., & Meliboev, R. A. (2025, February). IMPROVING THE TREATMENT OF COMPLICATIONS IN ENDOUROLOGICAL OPERATIONS FOR UROLITHIASIS. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY (Vol. 2, No. 1, pp. 31-33).

21. Ugli, G. K. K. (2025, February). SUBACUTE SCLEROSING PANENCEPHALITIS IN KIDS: EEG & MRI TRENDS PRE-AND POST-2023. In INTERNATIONAL CONFERENCE ON SCIENCE, ENGINEERING AND TECHNOLOGY (Vol. 2, No. 1, pp. 28-30).

22. Zokirjonov, D. Z., & G'ulomov, Q. (2025). THE SIGNIFICANCE OF VITAMIN D LEVELS ON MUSCULOSKELETAL STRENGTH, ATHLETIC PERFORMANCE, AND INJURY PREVENTION. JOURNAL OF INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH, 2(4), 419-430.

23. Ugli, G. K. K. (2025). CHARACTERISTIC EEG PATTERNS IN SSPE AND THEIR CORRELATION WITH CLINICAL STAGES. ORIENTAL JOURNAL OF MEDICINE AND NATURAL SCIENCES, 2(2), 26-30.

24. Zokirjonov, D. Z., & G'ulomov, Q. (2024). THE SIGNIFICANCE OF VITAMIN D LEVELS ON MUSCULOSKELETAL STRENGTH, ATHLETIC PERFORMANCE AND INJURY PREVENTION. JOURNAL OF MEDICINE AND PHARMACY, 7(12), 16-27.

25. Kholmatov, S., Madaminov, S., Zokirjonov, D., & Sobirova, D. (2024). A COMPREHENSIVE REVIEW OF RADIOTHERAPY AND CHEMOTHERAPY-INDUCED MORPHOLOGICAL SIDE EFFECTS IN BREAST CANCER TREATMENT: STRATEGIES FOR MANAGEMENT AND MITIGATION. Science and innovation, 3(D6), 11-24.

26. Zokirjonov, D., & Alimov, F. (2024). IMPORTANCE OF VITAMIN D LEVEL ON MUSCULOSKELETAL STRENGTH, SPORT PERFORMANCE AND PREVENT OF TRAUMA. Science and innovation, 3(D5), 65-75.

27. EVALUATION OF ANTHROPOMETRIC CHANGES IN DIFFERENT PATHOLOGIES OF THYROID GLAND HORMONE FUNCTIONS

28. Nishonov, Y., Madaminov, S., Abdulhakimov, A., Zokirjonov, D., & Komilov, S. (2023). ASSESSMENT OF ANTHROPOMETRIC CHANGES IN DIFFERENT THYROID GLAND DISEASES. Science and innovation, 2(D3), 73-79.